



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 20 ноябрь, № 225 (6408) Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2015 йил 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 3 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг муҳокамасига аҳоли турмуш даражасининг янада оширилишини ва унинг ижтимоий ҳимоя қилиниши кучайтирилишини, иқтисодиётнинг юқори ҳамда барқарор суратларини, аҳоли бандлигини таъминлашни назарда тутовчи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларнинг киритилиши режалаштирилмоқда.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ва эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тuzатишларни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни, давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлашни, инвестиция имкониятлари ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни, тadbirkorликни ривожлантиришни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ривожлантиришни, аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги қўриқланиши таъминланишини, суд-ҳуқуқ соҳаси такомиллаштирилишини назарда тутовчи қонунлар шулар сирасидандир.

Шу нуктада бундан, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўриқлаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди. Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девоининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажми

**18,7** фоиз ошди.

Қурилиш ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил қилишни такомиллаштириш, инвестицияларни кенгроқ жалб этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар соҳада ана шундай юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг самараларини ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ҳамда марраларимизда, халқимиз фаровонлиги тобора ошиб боришида, жаҳон ҳамжамиятида юртимиз нуфузи кун сайин юксалиб бораётганлигида яққол кўриш мумкин. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётди.



## Инсон манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам кафолати

Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида мустаҳкамланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Конституцияимизнинг ҳар бир моддаси инсон манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Шу нуктага назардан, Асосий Қонунимизда яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, фирқалаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги, сайлов ҳуқуқи, мулк-

дор бўлиш, билим олиш, эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби инсоннинг қобилият ҳамда имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда бошқа умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос тарзда кафолатланган.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида Конституцияимиз қоидалари давр талабларига биноян изчил такомиллаштириб боришмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан бундан беш йил аввал илгари сурилган

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада дастуриламал бўлди. Бинобарин, унда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, 2011 ва 2014 йилларда Конституцияимизга киритилган тuzатишлар давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг роли ҳамда аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда унинг имкониятларини кенгайтди.

(Давоми 2-бетда).

## «Мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятида»

Германиянинг Гамбург шаҳрида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Унда мазкур давлат жамоатчилиги, академик ва ишбилармон доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Тadbirkor чоғида иштирокчиларга республикаимизда амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, иқтисодиётни модернизациялаш ва саноатни диверсификация қилиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу нуктага назардан, меҳмонлар эътибори Тошкентда ўтказилган Халқаро инвестициявий форум, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳамда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши иккинчи йилгилининг якуний натижаларига қаратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг юксак сайёҳлик салоҳияти ва республикаимизда мазкур соҳа инфратузилмаси, меҳмонхона бизнеси, транспорт ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумотлар ақс этган буклет ва брошюралар ҳавола қилинди.

Миллий хунармандчилик ҳамда амалий безак санъатининг турли намуналарини ўз ичига олган, шунингдек, мамлакатимизнинг бетакрор та-

рихий обидалари, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар, рўёбга чиқарилаётган кенг қўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижалари, юртимизнинг сарможий салоҳияти ҳақидаги маълумотлар ақс этган Ўзбекистон миллий экспозицияси меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот чоғида юртимизнинг тарихий ва маданий мероси ҳамда замонавий тараққиётига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тadbirkor меҳмонлари ўзбек миллий таомларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, ушбу соҳага оид миллий анъаналаримиз билан яқиндан танишдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири айрим иштирокчилар билан мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари ҳамда иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

Қулай ишбилармонлик муҳити тadbirkorлик ривожига ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганининг босиси ҳам ана шунда. Зеро, соҳа вакилларига берилаётган қатор имтиёзлар уларнинг истиқболли лойиҳалари рўёбга чиқишига, аҳолининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган эътиҳи таъминланиб, жаҳон бозорига дадил кириб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони кўпайишига хизмат қилаётди.

### ИСЛОХОТ



Бунда Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида биргина Андижон вилояти-

даги саноат корхоналари томонидан 121,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,3 баробар ўсишга эришилди. Эътиборлиси, маҳсулот ва хизматлар экспортда яқка тартибдаги тadbirkorлар ҳам фаол қатнашапти. Жумладан, иш-

билармон Жалолиддин Мадррахимов хорижлик харидорларга кийим илгичлар етказиб бераётган бўлса, Улуғбек Парпиев рангли полиэтилен ип, Носиржон Гайбердиев эса қайта ишланган мрамар тошларни ташқи бозорга жўнатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда «Халқаро молия бозорлари-га интеграциялашув шароитида Ўзбекистон банк-молия соҳасини модернизациялашнинг замонавий тенденциялари» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## Барқарор фаолият асоси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ва халқаро молия ташкилотлари вакиллари, экспертлар ҳамда тегишли олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Тadbirkor сўз олганлар мамлакатимизда банк-молия соҳасини ислоҳ қилиш, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар сифат жиҳатидан яхшиланаётгани, аҳолининг банкларга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг

2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Натижада юртимиз банк-молия тизимининг фаолияти нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлаётди.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, банклар томонидан кўрсатилаётган замонавий хизматлар иқтисодиёт тармоқлари ривожига муҳим омил бўлаётганини алоҳида қайд этидилар. Анжуманда, шунингдек, банклар фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро алоқаларини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашда лизинг бозорининг аҳамияти сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар

Кейинги йилларда мамлакатимизда саноатнинг барча йўналиши, айниқса, чарм-пойабзал тармоғида жадал ривожланиш суръатлари кuzатилмоқда. Бунда соҳа равнақига қаратилаётган алоҳида эътибор, тadbirkorларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар муҳим омил бўлаётди.

### АНЖУМАН

Натижада чет эл сармоясини иш-тироқида қўллаб-қувватлаш корхоналар бунёд этилиб, ички ва ташқи бозорда рақобатдош

бўлган маҳсулотлар тайёрланапти. Жорий йилнинг тўққиз ойида юқори қўшимча қийматга эга чарм маҳсулотлари ишлаб чиқа-

риш ҳажми 22 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент шаҳрида «Ўзбекчарм-пойабзали» уюмчаси томонидан ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш имконияти юқори бўлиб, муҳим хом ашё — тери ниҳоятда сероб. Яъни йилга ўртача 12 миллион дона тери олинади. Уларни чуқур қайта ишлаш

бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар туфайли аҳолига чарм-пойабзал маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми йил сайин ошмоқда. Биргина 2015 йилнинг тўққиз ойида фақат уюшма тизимидаги ҳўжалик юртивуви субъектларда 316,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 117,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 342 миллион кв.дм. чарм маҳсулотлари, 4 миллион 135 минг жуфт пойаб-

зал, 3 миллиард 855 миллион сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, барча йўналишда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Тери сифатли қайта ишланган, бозор талаби чуқур ўрғанилган ҳолда, маҳсулотлар замонавий дизайн асосида тайёрланаётгани туфайли уларнинг рақобатдошлиги ошаётди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айни пайтда Вазирилар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принципи ва тартиби ўзгартирилди, ҳукумат ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдда, жойлардаги ижро ҳокимияти органларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдидagi масъулияти кучайтирилди.

Асосий Қонунимизда парламент ҳамда жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмла-

тининг барча босқичида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тежорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, 2008 йилда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жара-

даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани юқоридаги фикрларнинг яққол далилидир. Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та давлат ўртасида 44-поянани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстиги мамлакатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур бағишлайди. Конституциямиз негизига қўйилган принцип ҳамда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Яна бир диққатга молик далил: жорий йилнинг учинчи чорагида Андижон вилоятида илгари экспорт фаолиятига жалб этилмаган 24 та салоларнинг охириги маълумоти бўйича Ўзбекистон "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та давлат ўртасида 44-поянани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстиги мамлакатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур бағишлайди. Конституциямиз негизига қўйилган принцип ҳамда

# Инсон манфаатларини таъминлашнинг мустақкам кафолати

рининг мустақкамлангани фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш борабарда, ҳокимиятни демократик модернизациялашда улкан аҳамият касб этди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақкамланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоидага тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳокимиятлар бўлиминининг конституциявий принципини амалга ошириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қонун билан ҳимоя қилиш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, истиқлол йилларида рўёбга чиқарилган суд-ҳуқуқ ислохотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали муҳофаза этиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда ўтган давр мобайнида суд ҳокимияти босқичима-босқич мустақкамлаб бориш, суднинг мустаққилигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилмайдиган том маънодаги мустаққил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаоли-

ёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустаққилигини янада мустаққамлашга қаратилган бир қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Юртимизда "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш борабарда, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимининг жорий этилиб, самарали фаолият кўрсатаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб келмоқда. Мазкур сиёсатнинг амалий самарасини нафақат суд-ҳуқуқ соҳаси, балки бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мисолида ҳам яққол кўришиши мумкин. Давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳамда гуманитар соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда демократик янгилашиллар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг юқори даражада таъминланишига хизмат қилмоқда.

Чунончи, мустаққиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 қаррадан зиёд ўсгани, аҳоли реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш

қоидаларнинг, улар билан ҳамоҳанг, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" дея ном қозонган, юртимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш йўлининг нақадар тўри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Айни чоғда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро ҳамда фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик барча ютуқларимизнинг асосий омил бўлаётганини алоҳида кайд этиш зарур.

Мухтасар айтганда, Асосий Қонунимизда юртимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган энг муқаддас ҳамда вазиқларини амалга оширишда биз, депутатлар ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шу мақсадда ҳозирги вақтда парламентда изчил ишлар олиб борилмоқда, партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат муҳити кучайди, қабул қилинаётган қонунлар устида принципиал баҳслар бўлмоқда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтарилишини таъминлаш парламентнинг қўндалик ишига айланди. Буларнинг барчаси фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, пировардида Ўзбекистоннинг инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланганидан буюк мустаққил давлатга айланишида муҳим омил бўлмоқда.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатаси**  
**депутати.**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўтган даврда пойабзалларнинг 300 дан ортиқ янги модели, чарм-атторлик маҳсулотларининг эса 70 турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ана шундай сайъ-ҳаракатлар мевасидир. Пировардида қарийб 80 миллион АҚШ долларлик чарм-пойабзал маҳсулотлари экспортга йўналтирилди. Маҳсулотларимизни импорт қилаётган орасида мазкур соҳа тараққий этган Италия, Испания, Корея Республикаси, Хитой каби мамлакатларнинг борлиги кишини қувонтиради. Мута-

хассисларнинг эътирофи эитишча, бу республика-мизда тайёрланаётган маҳсулотлар жажон стандартларига ҳар томонлама жавоб бераётганининг амалий тасдиғидир. Чиндан ҳам, тизимдаги мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, энг замонавий технология уқсуналар билан жиҳозланаётгани муваффақиятларни таъминла-япти. Масалан, бу йил Ин-вестияция дастури доираси-да тармоққа 12 миллион АҚШ доллар жалб этилиб, олти инвестициявий лойиҳа амалга оширила-тир. 2019 йилгача эса жами

61 ана шундай лойиҳа ҳаёт-га татбиқ этилиши белги-ланган. Ушбу мақсадда 70,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши 1800 га яқин иш ўринлари яратиш, 398,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. — Жорий йилдан эъти-боран чарм-пойабзал со-ҳасини жадал ривожланти-ришга хизмат қиладиган ана бир истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилаяпти, — дейди уюшма раиси ўрин-босари Шарифжон Шера-лиев. — Яъни 13 миллион доллар сармоя йўналтири-либ, республикамиз вило-

ятларида замонавий кичик кушоналар ишга туширилиши мумкин. Уларни бунёд этишда хорж тажрибаси, ўзбекиона аъназалар тўлиқ инобатга олиниб, чиқитсиз технология жорий этил-моқда. Чунки янги мажму-ларда чорва молларни қабул қилишдан тортиб, терини қайта ишлашгача бўлган жараён тўлиқ қа-раб олинади. Келгусида эса бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтири-либ, юртимизнинг барча хуудуди, хусусан, чорвачи-лик ривожланган Қашқа-дарё, Навоий, Бухоро ви-лоятларида кўплаб ана

шундай кушоналар фойда-ланишга топширилиши кўзда тутилаёттир.

Анжуманда, шунингдек, соҳанинг экспорт салоҳия-тини ошириш, аёллар, бо-лалар пойабзаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайти-риш, енгил санаят, мебел-созлик ва автомобилсозлик санаяти учун чарм маҳсу-лотлари етказиб бериш бўйича ҳаётга татбиқ эти-лаётган инвестициявий лойиҳалар, уларнинг аҳамияти ҳақида атрофли-ча маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Германиянинг "АРА-KANDT" компанияси директори Антониус Верле Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятини эътироф этиш борабарда, қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтди: — Компаниямиз машинасоз-лик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда целлолоза-қоғоз са-ноати соҳасига иқтисослашти-рилган бўлиб, 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида халқаро бозор-да, шу жумладан, Ўзбекистон-да ҳам муваффақиятли фаоли-ят олиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат иқтисодиётини дивер-сификациялаш ва модерниз-

ция қилишга қаратилган сайъ-ҳаракатлари юксак эътирофга лойик. Республикада ҳар йили дунёнинг қатор мамлакатлари, шу жумладан, Германиядан ташдирф буюрган ишбилармон доиралар вакиллари иштироки-да турли халқаро иқтисодий фо-румлар, санаят ярмаркалари ва бошқа йирик тадбирлар ўтқа-зилаёттир. Ўзбекистон Германияга энг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкор-ларидан бири сифатида қарага-ни ҳолда, немис сармоялари-нинг мамлакат иқтисодиётига жалб этилиши учун кўлай шарт-шароитлар яратиш бераётгани-дан бағоят мамнунмиз. Айни пайтда бу борада "Made in Germany" белгиси остидаги ноу-

ҳау ва илғор технологияларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форум, IX Халқаро санаят яр-маркаси ва Кооперация биржа-си, шунингдек, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши иккинчи йиғилишининг якуний натижалари хорижий сармоядорлар ҳамда бизнес ва-килларининг Ўзбекистон билан ривожлантиришдан манфаатдор эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, биз ҳам Ўзбекистон-да шериқларимиз билан ҳам-корликни изчил давом эттириш ниятидамиз.

**«Жаҳон» АА.**  
Берлин

# 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Навоий шаҳрида "Кексалар ҳаёти ёшлар учун намуна" шиори остида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

# ИБРАТ МАКТАБИ

Вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази ва "Нуроний" жамғармасининг ҳудудий бўлимлари, "Қамолот" ЁИҲ вилоят Кенгаши ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшлар маънавиятини юксалтиришда таълим мас-канларининг ўрни, глобал-лашув жараёнининг навки-рон авлод онгига таъсири каби мавзуларда маъруза-лар тингланди.

ассасалар, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам фаоллик, фидойилик ҳўрсатшиша, кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бир бо-лага етти маҳалла ота-она, деб бежиз айтишмайди. Хусусан, бунда хонадонла-римиз файзи, фаришатси бўлган нуронийларимиз-нинг ҳиссаси бекиёс. Шу боис "Кексаларни эъзоз-лаш йили" Давлат дастури-да миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва мустақ-камлаш орқали менталите-тимизга ёт бўлган турли за-рарли таъсирларнинг олди-ни олиш борасида қатор чора-тадбирлар белгилан-ган. Улар ижросида эса ёши улуғ инсонларнинг бой тажрибаси, ҳаётий ўғитла-ридан фойдаланиш ўз са-марасини бераяпти. Анжуманда ана шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

Тадбир якунида "XXI аср фитанаси" номли видеооро-лик намойиш этилди. **Азамат ЗАРИПОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижодий учрашувлар, унутилмас лаҳзалар

Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остидаги Ёшлар ҳафталиги кўтаринки рўнда давом этмоқда. Тадбир доирасида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари жамоалари ўртасидаги "Кувноқлар ва зукколар" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

## ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ

Унда Алишер Навоий номи-даги Самарқанд давлат универ-ситетининг "Илҳом", Нукус дав-лат педагогика институтининг "Турон", Андижон қишлоқ ҳўжа-лиги институтининг "Оғалар", Тошкент автомобил-йўллар институтининг "Осмондаги бола-лар", Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг "Шоввозлар" ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг "Дув-дув гап" жамоала-ри ўзаро беллашди. Кўрик-танлов талабаларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг ҳаётида учраб туради-ган турли ҳолатларни ҳажв орқали қувноқлик ва зукколик билан намойиш қилишга қара-тилган. Нукус давлат педагогика институтининг "Турон" жамоаси ўзига хос саҳна қўринишига эга-лиги, жамоа иштирокчиларининг актёрлик маҳорати юқорилиги билан ажралиб турди. Улар голибликка эришиб, кўрик-тан-ловнинг махсус кубоги билан тақдирланишди. Шунингдек, ҳафталик доира-

сида ўтказилаётган мода ва ди-зайн фестивали юртимиз ёшла-рининг ушбу соҳада ҳам ҳеч ким-дан кам эмасликларини исбот-ламоқда. Жумладан, Ёшлар ижод саройи ҳамда Ўзбекистон Ба-ддий академиясида "Шарқ ли-бослари" дизайн маркази, "Осиё-рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва моделерлар уюшмаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлиги-да ташкил этилган кўргазмалар-да намойиш қилинган, миллий ва замонавий услублар моҳиро-на уйғунлаштирилган турли ли-бослар, халқ амалий санъати на-муналарини кўриб, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кўргазмаларда Тошкент тўқи-мачилик ва енгил санаят, Тош-кент архитектура-қурилиш, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рас-сомлик коллежининг мутахассис-лик йўналишларида таҳсил ола-ётган йигит-қизларнинг ижодий ишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ёшлар ижод саройида уюш-тирилган "Замонавий моданинг долзарб йўналишлари" мавзу-даги семинар-тренинг, "Модада-ги сиймолар" кўргазмаси, япон кимоноси санъати бўйича мас-лаҳотчи, "Дебют" либос мо-деллари намойиши ҳам ёшларимизни соҳадаги янгиликлар-дан хабардор этиш, мода ва ди-зайн оламидаги янги йўналиш-лар билан таништиришга хизмат қилди. — Замонавий либосларни яратишда момоларимиз тиккан сўзанааларга эътибор қаратаман, — дейди ёш дизайнер Саида Амир. — Боиси улар вақт ўтса-да, жозибасини йўқотмайди. Шу-нинг учун бўлса керак, сўзана-лар нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон аҳлини ўзига ром қилиб келяпти. Кеча ҳафталик доирасида "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олим ва тала-баларнинг илмий-амалий конфе-ренцияси ўз ишини бошлади. Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини оши-риш "Истеъдод" жамғармаси,

# Қисқа сатрларда

- Республика иқтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда мазкур соҳада эришилаётган нати-жалар, қандли диабетни эрта аниқ-лаш, олдини олиш ва самарали даволаш бўйича янги ҳа ёндашувлар-га оид маърузалар тингланди.
- Сурхондарё вилояти ҳоким-лиги ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ҳамда говларни бартараф этиш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадор-лигини янада ошириш масалала-ри юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, назорат қилув-чи ҳамда суд органлари, мута-садди ташкилотлар раҳбар ва масъул ходимлари, тадбиркор-лар, фермерлар иштирок этди.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги олдидан Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказида тадбир уюш-тирилди. Давлат ва жамоат ташки-лотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар қатнаш-ган анжуманда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.
- Зулфия номидаги Давлат муқофотига номзодлар танловининг Жиззах вилояти босқичида 84 нафар қиз адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Унда голиб бўлганлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашади.
- Андижонда мева-сабзавот етиштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортини янада кўпайтириш масалаларига бағишлаб тадбир уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни техник ва техноло- гик жиҳатдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар барқарор ривожланиш суръатлари таъминланиши, қувонарлиси, янги йўналиш- лар пайдо бўлишига мустаҳкам замин яратмоқда. Лизинг соҳаси иқтисодиётимизнинг ана шундай янги, аммо жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда лизинг хизматлари бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки юртимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожланиб, ҳатто чекка ҳудудларда ҳам қўллаб- қўллаш чикариш объектилари фой- даланишига топириляпти. Улар- нинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани эса рақо- батдош саноат маҳсулотлари иш- лаб чиқариш, тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш имконини бераётди. Айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация- лаш тадбирлари доирасида фер- мер хўжалиқларининг моддий-тех- ника базаси мустаҳкамланаётгани туфайли соҳада самарадорлик юқори бўлишига эришилмоқда. Бундай эзгу ишлар рўйбига "Ўзме- лиомашизинг" лизинг компания- си яқиндан кўмак бераётди.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелио- ратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тад- бирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган мазкур компанияни молиялаштирувчи асосий манба — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерлар- нинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси саналди. Унинг асосий фаолияти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бюроти асосида сув хўжалиги қурилиш ҳамда фойдала- ниш ташкилотларига мелиоратив техникани кўп профилили мажхуд паркин янгилаш ва шакллантириш- ни рағбатлантириш, замонавий мелиорация техникаси ҳамда асбоб-ускуналари етказиб берили-

24-26 центнерни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, бу кўрсат- ки 53 центнерга етгани, юзлаб фер- мер хўжалиқларида 85-95, ҳатто 100 центнердан юқори бўлгани тах- синга лойиқ, албатта. Бу аграр со- ҳада амалга оширилаётган оқилона ислохотлар меваси, дон мустақил- лимиз мустаҳкамланиб бораётган- нинг амалий тасдиқи, албатта. Давлатимиз раҳбарининг

507 километр узунликдаги зовур- ларни таъмирлаш-тиклаш ҳамда бошқа турдаги ишлар амалга оши-рилиши кўзда тутилган. Шу давр мобайнида эса "Ўзме- лиомашизинг" компанияси томо- нидан мелиоратив техникалар пар- кини янгилаш мақсадида 836 та за- монавий мелиорация техникаси ва механизмлар етказиб берилиши, бунинг эвазига 1170 та иш ўрни



ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Айни пайтда мураккаб вазиятни бошдан кечираётган Япониянинг "Sharp" компанияси ушбу ҳолатдан чиқиб кетиш учун барча зарур чораларни кўраётти.

Харид учун таклиф

Жумладан, компания маъмурияти савдо ҳажми- ни ошириш ниятида ходим- ларидан ўз маҳсулотлари- ни сотиб олишни сўради. Манбада изоҳланишича, албатта, бу қатъий талаб эмас. Лекин кимдир маи- ший техника ва электроника воситалари харид қилиш ниятида бўлса, танловни, энг аввало, қадрдон кор- хонасидан бошлагани мақ- садга мувофиқлиги тасвир этилмоқда.

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ

жараёнида лизинг хизматларининг ўрни ҳам тобора ошмоқда

шини таъминлашдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, компания томонидан ўтган давр мобайнида сув хўжалиги ташкилотларига 2000 дан ортиқ илғор мелиоратив техника ва машина-механизмлар лизинг асосида олиб берилди. 767 та юқори унумли экскаватор, 236 дона бульдозер ҳамда бошқа тур- даги техника воситалари ана шу- лар жумласидандир.

Бундай замонавий техникалар ирригация-мелиорация тадбирла- рини сифатли, ўз вақтида амалга ошириш, пировардида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш им- конини бermoқда. Кейинги етти йилда 1 триллион 627 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 2 миллион 45 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшилانгани бунга тўла асос бўла олади.

Бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётган ушбу чора-тадбир- лар самарасини кейинги икки йил- да пахта ва ғалла бўйича ҳосил-дорлик гектарига ўртача 2-5 цент- нерга ошгани мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Ваҳолонки, муста- қилликнинг дастлабки йилларида суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача

2013 йил 19 апрелдаги "2013 — 2017 йиллар даврида суғорилади- ган ерларнинг мелиоратив ҳолати- ни янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, айниқса, сув хўжалиги ва мелиорация соҳасидаги ислохот- ларнинг мантқий давоми бўлди. Унда ўзаро узвий боғлиқ бўлган ир- ригация-мелиорация тадбирларини биргаликда олиб бориш, объект- ларни реконструкция қилиш, таъ- мирлаш-тиклаш ҳамда сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали обихаётдан унумли фойда- ланиш мақсадида устувор вазифа- лар белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжат ижроси доираси- да 2013 — 2017 йилларда иррига- ция ишлари бўйича 2 минг 103 километрик суғориш каналларини қуриш ва реконструкция қилиш, 96 та гидротехник иншоот барпо этиш ҳамда реконструкциялаш, 558 минг 571 километр узунликда- ги суғориш каналларини таъмир- лаш-тиклаш ишлари бажарилса, мелиорация тадбирлари бўйича 3 минг 852 километрик коллек- тор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 75 минг

яратилиши режалаштирилган. Таъкидлаш керакики, компания ўз фаолияти давомида иқтисодий ри- вожланиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири — маҳаллий- лаштиришга алоҳида эътибор қара- тиб, юртимиз ишлаб чиқарувчила- ри билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш пайидан бўлмоқда. Хусусан, 2014 йилда Хоразм вило- ятида фаолият бошлаган "ЎЗХСМГ" қўшма корхонасидан замонавий экскаватор ва бульдозерлар харид қилиниб, лизинг олувчиларга етказиб берилган бўлса, "ЎЗCase" қўшма корхонасидан кичик экска- ватор юклагичлар сотиб олинмоқ- да. Бу каби саъй-ҳаракатлар туфай- ли 2014 йилда 70 физик техника ма- ҳалли ишлаб чиқарувчилардан харид қилинди. 2015 йилда эса маз- кур кўрсаткични 85 фоизга еткази- ши мўлжалланган.

Лизинг асосида сотиб олинаёт- ган техникаларга сифатли техник ва сервис хизматлари кўрсатилишида компания қoшида "Мелиомаши- зингсервис" шўъба корхонаси таш- кил қилингани айни мuddа бўлди. Ушбу корхона янги диагностика ус- қуналари билан жиҳозланиб, мод- дей-техника базаси мустаҳкамлана-

ётгани, ўз навбатида, тегишли хиз- матларга бўлган талабни тез ва сиф- атли қондириш имконини бера- япти.

Мелиорация техникаларидан янада самарали фойдаланишни на- зорат қилиш мақсадида компания томонидан яна бир янгилик амали- ётга татбиқ этилди. Яъни 2015 йил- дан эътиборан техникаларга GPS навигаторлари ўрнатилга бошланди. Бугунги кунга қадар 950 та техника ана шундай электрон кузатув мос- ламаси билан таъминланди. Ком- пания мутахассислари улар ёрда- мида техника ишлаб турган жой- дан мунтазам хабардор бўлиш им- кониятига эгадирлар. Тизимда олиб борилган барча ишлар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ри- вожланишига мустаҳкам пойдевор- ки, бир пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Тўхтамурод ОТАҚУЛОВ, «Ўзмелиомашизинг» компанияси бўлим бошлиги, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Инглиз тили кафедраси мудири;
• Шарқ тиллари кафедраси мудири;
• Ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири;
• Халқаро муносабатлар кафедраси мудири;
• Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси мудири;
• Халқаро савдо ва инвестициялар кафедраси мудири;
• Иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири;
• Амалий дипломатия кафедраси мудири.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 54-уйда қабул қилинади. Телефон: (0-371) 267-65-40.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич ошиб бoриш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Бoёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Бoёвут-давсубмаҳсусупудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтургон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, ер майдони 35527,0 кв.м., қурилиш майдони 3535,61 кв.м., фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган 0022-литердаги фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳoлда, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 337 146 586 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 4 декабрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бeвoситa жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳoлда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-377) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz

ЭЪЛОНЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

«Даут-ата» чегара боғхона постини видеоназорат тизими билан таъминлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳoлда, алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Даут-ата» чегара боғхона постини видеоназорат тизими билан таъминлаш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ҳамада муҳрланган ҳoлда топширилиши шарт. Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ҳамда «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши лoзим.

260 480 сўм (танлов ҳужжатлари учун ўтказилган пул қайтарилмайди). Тижорат таклифи тақдим этилаётганда куйидаги шартлар инобатга олинади: — тўловнинг 15 фоизи олдиндан, қолган 85 фоизи ишлар тўлиқ бажарилганидан сўнг амалга оширилади; — лицензия ва гувоҳнома нусхаси тақдим этилади.

Танлов бўйича тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомиде қабул қилинади. Танловнинг энг юқори баҳоси: — ҚҚС билан 277 981 550 сўм; — ҚҚСиз 231 651 290 сўм. Закалат миқдори танловнинг ҚҚС билан белгиланган баҳосидан келиб чиқиб — 2 фоиз. Танлов ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси —

Кўшиш маълумотлар ҳамда танлов ҳужжатларини олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Қоракалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 57-уй. Телефонлар: (0-361) 224-01-19, 224-16-98. Ҳ/р: 21506000103765250002, МФО: 00015, ОКОНХ: 97200, СТИР: 202030050, Нукус шаҳри, Марказий банк.

«Navoiyazot» АЖ

бошқарув органлари раҳбарлигига (бошқарув раиси) номзодларни танлаб олиш бўйича танловда иштирок этишга таклиф этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли Фармони, жамият устави ва «Navoiyazot» АЖ қузатув кенгашининг 2015 йил 7 ноябрдаги 73-сонли баёнида тасдиқланган «Navoiyazot» АЖ бошқарув органлари раҳбарлигига номзодларни танлаб олиш регламентига мувофиқ, жамият бошқарув органлари раҳбарлигига (бошқарув раиси) номзодлар танлови эълон қилинади.

Танловга Ўзбекистон Республикаси ва мазкур танловда қатнашиш истагини билдирган хорижий давлатлар фуқаролари таклиф этилади. Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати — 2015 йил 10 ноябрь соат 8.00 дан 2015 йил 9 декабрь соат 17.00 гача (маҳаллий вақт билан).

Танлов ўтказиш мўлжалланган сана — 2015 йил 10 — 13 декабрь кунлари. Танлов ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 38-уй, «Ўзкимёсаноат» АЖ. Аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиш — 2015 йил 10 ноябрдан 2015 йил 9 декабрда, душанба — пайшанба кунлари (маҳаллий вақт билан) соат 10.00 дан 17.00 гача, жума куни соат 10.00 дан 16.00 гача, Навоий-5, «Навоий» ЭИНС, завод бошқарувининг янги биноси, 105-хонада қабул қилинади.

Алоқа телефони: (0-436) 229-27-24. Алоқада бўлувчи шахс — корпоратив муносабатлар ва инфoрмацион ресурслар бошқармаси бошлиги Карагодина Людмила Афанасьевна. E-mail: management@navoiyazot.uz Интернет-сайт: navoiyazot.uz

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2015 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси бoсқичма-бoсқич ошиб бoриш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Қарши шаҳри, Шибеев кўчаси, «Мадина» мебель чеҳида жойлашган «Гунгон» савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 524 843 537 сўм. 2. Қарши шаҳри, Фафур Фулом номидаги МФЙ, Фузур кўчасида жойлашган савдо базаси. Бошланғич баҳоси — 2 260 622 847 сўм. 3. Қарши шаҳри, Қизил масжид кўчасида жойлашган, бир қаватли маъмурий бино ва оморхона. Бошланғич баҳоси — 271 028 242 сўм.

2015 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қарши туманлараро судининг 2015 йил 9 сентябрдаги 1-5521-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, «Арабхона» МФЙ, Бободехон кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 602 кв.м., қурилиш ости майдони 225,68 кв.м. бўлган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш чеҳи қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 40 372 045 сўм. Талабгорлар юқоридеги кўчмас мулклар билан Қарши шаҳар СИБ вакили иштирокида бeвoситa жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион

савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 9 декабрдаги аукцион савдосига 2015 йил 7 декабрь куни соат 18.00 да, 2015 йил 23 декабрдаги аукцион савдосига 2015 йил 21 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳoлда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили: Қарши шаҳри, Фузур кўчаси, 4-уй. Телефон: (0-375) 227-20-28. Хизматлар лицензияланган. БИЛДИРИШ «Capital realtor group» МЧЖ Бухоро филиали томонидан аукцион савдосига қўйилган, «1-Автокорхона» давлат унитар корхонасига тегишли бўлган, Бухоро шаҳри, Оқ масжид кўчаси, 2-уйда жойлашган бино-иншоотлар 870 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади. «Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.

Аэропорт ёпиб қўйилди

АҚШнинг Карлсбад шаҳри (Калифорния штати)даги аэропортда кўнгилсиз воқеа юз берди.

Гап шундаки, бу ерда вертолёт кулаб тушди. Оқибатда ёнгин келиб чиқиб, унинг бортида бўлган икки киши ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу ҳодиса туфайли аэропорт вақтинча ёпиб қўйилди. Мутахассислар фалокат сабабини аниқлашмоқда.

Кутилганидан паст

Октябрь ойида Буюк Британияда чакана савдо ҳажми, тахмин қилинганидек, 0,5 фоиз ўрнига 0,6 фоиз пасайган.

Шунга қарамай, бу бо- радаги йиллик кўрсаткич 3,8 фоиз ўсган, дейила- ди мамлакат миллий ста- тистика бошқармаси маъ- лумотида. Ўтган ойда ав- томобиль ёнғилиси учун харидлар миқдори аввал- ги ойидаги нисбатан 1,7 фоиз ошгани бунда му- ҳим омил бўлди. Статистикага кўра, Буюк британияликлар озиқ-овқат маҳсулотла- ри сотиб олишга 0,3, кийим-кечаклар ва уй жиҳозлари харид қилишга аввалги ойда- гига нисбатан тегишли равишда 1,8 ва 0,8 фоиз кам маблағ сарф- лашган.

Тезкор чора кўрилди

Уэльс пойтахти Кардифф шаҳридаги пўлат ишлаб чиқарувчи корхонанинг ертўласида портлаш рўй берди.

Натижада ёнгин келиб чиқди, беш киши жароҳат- ланди. Курбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Фавқулодда ҳолат туфайли ходимлар зудлик билан эвакуация қилиниб, «тилсиз ёв» бартараф этилди.

Ноёб топилма

Ботсвана ҳудудидаги «Kagowe» конидан оғирлиги 1111 каратга тенг бўлган олмос топилди.

Қиёслаш учун келти- риб ўтиш жоиз, қим- матбаҳо тошнинг ҳажми қарийб теннис коптoк- часига тенг. Кон Кана- данинг «Lucara Diamond Corp.» компаниясига тегишлидир.

— Бу сўнги юз йил ичида аниқланган энг катта олмос ҳисоблана- ди, — дейди мазкур компания директори

Уильям Лэм. — Шу боис ҳозир унинг қий- матини баҳолаш муш- кул. Бунгача дунёдаги энг катта жавоҳир 1905 йили Жанубий Африка Республикасида топил- ган. Унинг оғирлиги 3106 каратга тенг бўлиб, 2 миллиард АҚШ долларига баҳо- ланган эди.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 14 июндаги 115-сониде чоп этилган эълон бўйича аукцион савдоларига қўйилган, «Марказий» комбинат, ДУКга қарашли куйидаги автомобилотранспорт воситалари 2015 йил 13 ноябрдаги 5/808-сонли хатга асосан, аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади:

Table with 3 columns: T/p, Русуми, Давлат рақами. Contains 9 rows of vehicle auction details.

Гувоҳнома № 005357.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

